



**Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон  
Республикаси Судьялар олий кенгашининг  
ҚЎШМА ФАРМОЙИШИ**

2023 йил “11” февраль

№ 1

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 11-сонли ва “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 12-сонли Фармонларида судлар олдида қўйилган вазифаларни ўз вақтида сифатли амалга ошириш, судьялар томонидан Судьялар одоби кодексига риоя этиш аҳволини яхшилаш, шунингдек, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги 11 ва 12-сонли Фармонларида белгиланган вазифалар ижроси ўз вақтида, сифатли таъминлансин.

2. Судлар ўз фаолиятини “Инсон қадрини учун” ғояси асосида олиб бориш билан чинакам адолатли суд тизимини шакллантиришга ҳамда халқ манфаати ва инсон қадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтирсин.

3. Судлар томонидан адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш устувор вазифа этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги ПФ-11-сонли Фармони билан тасдиқланган “2023 — 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар дастури”даги вазифаларнинг ижроси Олий суд ва Судьялар олий кенгаши ҳамкорлигида сифатли таъминлансин.

5. Вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги 11-сонли Фармони ижросини таъминлаш бўйича ташаббуслари етарли эмаслиги инобатга олиниб, Фармон ва ҳаракатлар дастурида белгиланган ҳар бир

банд бўйича амалиётдан келиб чиққан ҳолда таклифлар киритиб борсинлар.

6. 2022 йилда 54 нафар судья судьялик қасамёди ва Судьялик одоби кодекси талабларини бузганлиги учун ва бошқа асосларга кўра ваколати муддатидан олдин тугатилганлиги, 12 нафар судья навбатдаги муддатга нолойиқ деб топилганлиги ҳамда масъулиятсизликка йўл қўйган 276 нафар судья интизомий жавобгарликка, айрим суд ходимларининг жиноий жавобгарликка тортилганлиги суд раисларига кўрсатиб ўтилсин.

Келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олиш, судьялар масъулиятини ошириш, ижро интизомига риоя этиш, тизимда коррупциянинг барвақт олдини олиш юзасидан вилоят суди раҳбарияти томонидан қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилсин:

а) вилоятларда судьяларнинг касбий кўникмасини ва маънавий дунёқарашини ошириш борасида ўтказиладиган семинарларнинг самарадорлигига эришиш чоралари кўрилсин;

б) вилоят ва унга тенглаштирилган суд судьялари малака ҳайъатлари раиси ва ўринбосари томонидан фуқароларнинг қабули ташкил этилсин;

в) Одоб комиссиялари судьялар билан Судьялар одоби кодекси қоидаларига риоя этилиши бўйича суҳбат ўтказиши йўлга қўйилсин;

г) ёш ҳамда фаолият кўрсаткичи паст баҳоланган судьялар билан индивидуал ишлаш режаси тасдиқлансин;

д) устоз-шогирд анъаналарига риоя қилган ҳолда, назарий билимларини амалиётга тўғри татбиқ этишда кўмаклашиш ҳамда касбий маҳоратини ошириб бориш мақсадида, судьялик лавозимида бўлишнинг биринчи беш йиллик муддатига тайинланган ҳар бир судьяга тажрибали судьялар устоз сифатида бириктирилсин

7. Судлардаги ҳар бир коррупцион ҳолат “фавқулодда ҳолат” деб баҳоланиши ҳақида вилоят ва унга тенглаштирилган суд раисларининг шахсан жавобгарлиги белгилансин.

8. Вилоят ва унга тенглаштирилган суд раислари вилоятдаги ҳамда ҳар бир туман (шаҳар) суди ходими, унинг ота-онаси ёки яқин қариндошлари билан учрашиб, профилактик суҳбатларни амалга оширсин, тегишли чора-тадбирларни белгиласин.

9. Судья ва суд ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан келиб тушаётган мурожаатлар сони ошиб бораётганлиги сабабли, ҳар бир мурожаатдаги важларни чуқур ўрганган ҳолда тегишли чоралар кўриб борилсин.

10. Ишларни кўришда процессуал муддатларга риоя этилишини назорат қилиш, жумладан, узоқ вақтдан буён қонуний ечимини топмаётган ишларнинг ҳар ойлик муҳокамаси йўлга қўйилсин.

11. Судьялар ёки ходимлар томонидан қонунбузилиши ҳолатларини содир этилишига шароит яратувчи ҳар қандай омилларни олдини олиш, содир этилган хато ва камчиликлар бўйича тегишли чора кўриш йўлга қўйилсин.

12. Суд ходимларининг фаолияти танқидий кўриб чиқилиб, нолайиқ бўлган ходимлардан тозалаш;


кадрларни танлаш, тайинлаш масаласида ўта масъулият билан ёндошган ҳолда юқори малакали, салоҳиятли олий юридик маълумотга эга бўлган ходимлар билан тўлдириш, суд ходимлари лавозимларига кадрлар захирасини шакллантириш чоралари кўрилсин.

13. Суд ҳужжатлари ижроси қониқарсиз аҳволда эканлиги инобатга олиниб, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари Мажбурий ижро бюросининг вилоятдаги бошқармалари билан тегишли чора-тадбирларни белгилаб, улар билан ҳамкорликда амалий ишларни йўлга қўйсин.

14. Амалга оширилган ишлар юзасидан дастлаб **20 март** кунига қадар, келгусида **ҳар ярим йилда** Олий суд ва Судьялар олий кенгашига ахборот бериб борилсин.

15. Ушбу қўшма фармойиш ижросини таъминлаш Олий суд раисининг биринчи ўринбосари Р. Махмудова ва Судьялар олий кенгаши раисининг ўринбосари А. Жалилов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси

  
Б.Исламов

Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши раиси

  
Х.Ёдгоров